



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 12 январь, № 7 (7237)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислохотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 11 январь кuni Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 17-18 март кунлари вилоятга ташрифи чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишган, туман ва шаҳарларда қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, саноат, туризм, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан вазифалар белгилаб берган эди. Утган вақт мобайнида мазкур топшириқлар ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишларида умумий қиймати 1 минг 142 та лойиҳа ишга туширилиб, 10 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

2018 йилда Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш дастури доирасида саноат йўналишида жами 88 та лойиҳа амалга оширилиб, 1 триллион 322 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 58 миллиард 267 минг долларни ташкил этди.

Президентимиз Самарқанд вилоятига ташрифини Имом Бухорий макбарасини зиёрат қилишдан бошлади. Қуръон тиловат қилинди.

Маълумки, 2016 йили Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси очилиш маросимида давлатимиз раҳбари Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ёнида илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш таклифини илгари сурган эди. Кейинчалик давлатимиз раҳбари ушбу марказ лойиҳаси ва қурилиши билан бир неча бор танишди, муҳим тавсиялар берди. Бугунги кунда қурилиш ва пардозлаш ишлари ниятисига етказилди.

Шавкат Мирзиёев ушбу марказда яратилган шароитларни кўздан кечириди.

Марказ Имом Бухорий ва бошқа мутафаккир алломаларимизнинг бебаҳо илмий-маънавий меросини ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги кутубхоналар, архив фондларида сақланаётган қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини тўплаш, уларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш билан шуғулланади. Бу ерда аждодларимизнинг бой меросини алоҳида-алоҳида ўрганиш, етук мутахассислар тайёрлаш учун барча шароитлар яратилган.

Марказнинг биринчи қаъида музей ташкил этилган.

Унда Имом Бухорийнинг ҳаёти, илмий сафарлари акс этган. Музей марказига “Саҳиҳи Бухорий” китобининг қадимий қўлёзма нусхаси қўйилган.

Музей билан танишар экан, Президентимиз бу жой зиёратчиларга Имом Бухорий ҳақида кенг тасаввур беришини, билиминини бойитишини таъкидлади.

Дунё харитасида яна бир илмий марказ пайдо бўлди. Бу марказ мамлакатимизга илм, барака олиб келади. Ёшларимизга билим, куч беради. Бу ерда ўқиганлар, зиёратга келганлар катта маънавият, маърифат олади, деди Шавкат Мирзиёев.

Марказ томонидан ўтган вақт мобайнида буюк алломаларимиз меросини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, нуфузли халқаро марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича лардаги кутубхоналар, архив фондларида сақланаётган қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини тўплаш, уларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш билан шуғулланади. Бу ерда аждодларимизнинг бой меросини алоҳида-алоҳида ўрганиш, етук мутахассислар тайёрлаш учун барча шароитлар яратилган.

Марказнинг биринчи қаъида музей ташкил этилган. Унда Имом Бухорийнинг ҳаёти, илмий сафарлари акс этган. Музей марказига “Саҳиҳи Бухорий” китобининг қадимий қўлёзма нусхаси қўйилган. Музей билан танишар экан, Президентимиз бу жой зиёратчиларга Имом Бухорий ҳақида кенг тасаввур беришини, билиминини бойитишини таъкидлади. Дунё харитасида яна бир илмий марказ пайдо бўлди. Бу марказ мамлакатимизга илм, барака олиб келади. Ёшларимизга билим, куч беради. Бу ерда ўқиганлар, зиёратга келганлар катта маънавият, маърифат олади, деди Шавкат Мирзиёев.

Марказ томонидан ўтган вақт мобайнида буюк алломаларимиз меросини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, нуфузли халқаро марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича лардаги кутубхоналар, архив фондларида сақланаётган қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини тўплаш, уларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш билан шуғулланади. Бу ерда аждодларимизнинг бой меросини алоҳида-алоҳида ўрганиш, етук мутахассислар тайёрлаш учун барча шароитлар яратилган.

Марказнинг биринчи қаъида музей ташкил этилган. Унда Имом Бухорийнинг ҳаёти, илмий сафарлари акс этган. Музей марказига “Саҳиҳи Бухорий” китобининг қадимий қўлёзма нусхаси қўйилган. Музей билан танишар экан, Президентимиз бу жой зиёратчиларга Имом Бухорий ҳақида кенг тасаввур беришини, билиминини бойитишини таъкидлади. Дунё харитасида яна бир илмий марказ пайдо бўлди. Бу марказ мамлакатимизга илм, барака олиб келади. Ёшларимизга билим, куч беради. Бу ерда ўқиганлар, зиёратга келганлар катта маънавият, маърифат олади, деди Шавкат Мирзиёев.

Марказ томонидан ўтган вақт мобайнида буюк алломаларимиз меросини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, нуфузли халқаро марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича лардаги кутубхоналар, архив фондларида сақланаётган қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини тўплаш, уларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш билан шуғулланади. Бу ерда аждодларимизнинг бой меросини алоҳида-алоҳида ўрганиш, етук мутахассислар тайёрлаш учун барча шароитлар яратилган.

тафсир, ислом тарихи каби фанлар ҳамда хорижий тиллардан чуқур билим берилади.

Буюк аждодларимиз асос солган Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил қилиш мамлакатимиз маънавий тараққиётининг бугунги босқичида муҳим аҳамият касб этади. Ташкил этилган муассаса олдида Ҳадис илмининг илмий-назарий асосларини пухта ўрганиш, хорижий тиллардан чуқур ўргатиш, машғулотларни “Устоз — шогирд” аъёналари асосида ташкил этиш, дунёвий давлатда диний қадриятларни асраб-авайлаш, Ҳадис илми уламолари асарларининг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини тайёрлаш, ўзбек ва хорижий тилларда нашр этиш, илмий семинарлар, конференциялар ташкил этиш, энг муҳими, “Жаҳолатга қарши — маърифат” шиори асосида муросасизлик, экстремизм ва терроризмнинг ҳар қандай кўринишларига илм-маърифат, юксак одоб-ахлоқ билан қарши туришдек катта вазифалар қўйилган.

Келажақда Ҳадис илми мактаби битирувчилари диний фанлар, хусусан, Ҳадис илми соҳасида таълим бериб, диний ташкилотларда имом-хатиб, илмий ходим вазифаларида ишлаши, шунингдек, илмий-тадқиқот марказларида илмий ходим сифатида фаолият олиб бориши кўзда тутилган. Битирувчилар таълимни ўз ихтисослигига кўра, Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистратурасида, таянч докторантура ва докторантура босқичларида давом эттириши мумкин.

Президентимиз мактабда ўқитиш услубларини такомиллаштириш, халқаро илмий марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Самарқанд тумани Корасув массивида қурилаётган замонавий уй-жойларни бориб кўрди. Президентимиз ҳудудларга ташрифи чоғида энг муҳим ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар қатори аҳоли учун қулай турмуш шароити яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Самарқанд вилоятида ҳам кейинги йилларда бу борада салмоқли ишлар қилинмоқда.

Жумладан, Самарқанд шаҳри аҳолисининг уй-жойга эҳтиёжи юқорилигини инобатга олиб, 2018 йилги дастурга қўшимча равишда кўп қаватли арзон уйлар қуриш қилинган эди. Шунга мурофиқ, Самарқанд тумани Корасув массивида Самарқанд шаҳри учун 50 гектарга яқин ер ажратилиб, кенг кўламли бунёдкорлик-обodonлаштириш ишлари амалга оширилди.

2018 йилнинг ўзига “Ўшаҳарқурилишнинг” инжиниринг компанияси бюртмасси асосида жами 1 минг 344 хонадондан иборат 7 қаватли 32 та арзон уй барпо этилди. Бундан ташқари, “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси томонидан Мудофаа, Ички ишлар, Фақулдда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия хизматчилари

ри ва ёш оилаларга мўлжалланган 5 қаватли 12 та тураржой қуриб, фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, ҳудудда хусусий боғча, ички ишлар бўлими биноси, савдо ва маиший хизмат мажмуаси, “Регистон” супермаркети қуриб битказилди. 540 ўринли мактаб қурилиши якунланмоқда.

Шу тариха бу ерда қисқа фурсатда замонавий массив қад ростлади. Янги уйларда одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун барча қулайлик эътиборга олинган. Хар бир хонадон индивидуал иситиш қозонлари билан таъминланган. Уйлар олдида болалар ўйин майдончалари барпо этилган.

Давлатимиз раҳбари Жасур Турсунқулов ва Жамшид Каттақулов оилалари кўчиб ўтган хонадонларни кириб кўрди, уй соҳиблари билан суҳбатлашди.

Шу ерда Корасув массивида 2019 йилда фойдаланишга топшириладиган уйлар, жумладан, “Агромир билдингс” компанияси томонидан Туркиянинг замонавий технологияси асосида монолит тураржойлар билан таъминланган 16 қаватли тураржойлар, коммунал соҳа инфратузилма объектларининг лойиҳа кўринишидаги тақдиротлари ўтказилди.

Янги массивда “Ўшаҳарқурилишнинг” инжиниринг компанияси томонидан 12 та, “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси томонидан 7 та уй қурилиши жадал олиб боришмоқда.

Президентимиз тураржойлар қурилишининг одамлар ҳаётидаги, ҳудуд инфратузилмасидаги аҳамияти ҳақида тўхталиди.

Самарқанд туризм маркази бўлиши керак. Шунинг учун бу ерда кўп қаватли уйлар қурилишини кўпайтирамиз. Шаҳарда энг замонавий талабларга жавоб берадиган уйлар қуриб, аҳолини таъминлаймиз. Уйларни қуришдан олдин унинг эгаси, қайси қаватда, неча хонали уйда яшашигача аниқ бўлиши лозим, деди давлатимиз раҳбари.

Самарқанд сейсмик ҳижатдан қулай ҳудудга жойлашган боис келажақда Каттақўрғон, Ургут, Пахтачи, Нарпай, Кўшработ туманлари марказларида ҳам кўп қаватли уйлар қурилиши зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, ёғ-май маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоқ корхоналарида замонавий технологиялари жорий этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Тайлоқ туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва қадоқлашга ихтисослаштирилган “Pet Agro Oil” қўшма корхонаси 2017 йилда Шимолий Ирландиянинг “Nortec Estate LLP” компанияси ҳамда Ўзбекистоннинг “Tony Green” фирмаси томонидан ташкил этилган.

(Давоми 3-бетда).



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда республика иқтисодиётида давлатнинг роли ва иштирокини қисқартириш, иқтисодиёт тармоқларини бошқаришга бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий қилиш, шунингдек, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт органларининг амалдаги тузилмаси, уларнинг ишини ташкил қилиш принцип ва усуллари иқтисодиётни бошқаришнинг замонавий талабларига, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларидаги тузилмаларни ўзгартиришларга жавоб бермайд.

Хусусан, иқтисодиётнинг ўзгариши шароитида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосланган мақсади йўналишларини (индикаторларини) шакллантириш, шунингдек, мавжуд ички ва ташқи омилларни ҳамда ислохотларнинг стратегик устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ўсишнинг янги манбаларини аниқлаш тизими мавжуд эмас.

Иқтисодиётнинг ҳудудий ва тармоқ тараққиёти, шу жумладан, урбанизация салоҳиятини амалга ошириш орқали мутаносиблиқни таъминлаш учун ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш тизими керакли даражада йўлга қўйилмаган.

Бозор тамойилларини кенг жорий этиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, бозорни рақобатбардор товарлар билан тўлдириш ва уларни ташқи бозорларга йўналтириш ҳажмларини ошириш бўйича зарур тадбирлар ишлаб чиқилмапти.

Натижада барқарор ишчи ўринлари яратиш даражаси пастлигича сақланиб қолаётганлиги аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини барқарор даромад манбаи билан таъминлаш имконини бермайд ва сифатли инсон капиталини ривожлантиришга тўқсинлик қилади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Олиб борилаётган таркибий ислохотлар доирасида йирик стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан бир қаторда шаҳарлар аҳолиси фаровонлигининг ўсиши ва барқарор ривожланишига етакловчи омил сифатида урбанизация жараёни тегishли даражада ҳисобга олинмаган. Натижада сўнгги йилларда урбанизация даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда, шаҳар аҳоли пунктлари сони эса атиги 1065 дан 1071 гача кўнайган.

Йирик қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳар посёлкаларига айлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирларга қарамадан, бугунги урбанизация даражаси шаҳарларни комплекс ривожлантириш бўйича замонавий талабларга жавоб бермайд ва жаҳон тенденцияларидан сезиларли даражада қолиб кетмоқда. Бунда урбанизация даражаси ханузгача барқарор хусусиятга эга эмас.

Урбанизация жараёнининг давлат томонидан самарали тартибга солинишини таъминлаш ҳамда ер участкаларининг айланмаси ва улардан фойдаланишда замонавий бозор механизмларини жорий этиш мақсадида:

1. Қўйидагилар **мамлакатда урбанизация жараёнини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

мулҳо янги уй-жой сиёсатини амалга ошириш асосида урбанизация жараёнини фаоллаштириш, бунда муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмалар билан таъминланган, ипотекани кредитлаш ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини жалб қилиш механизмларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан, кам ва ўрта даромадли оилалар учун арзонлаштирилган тураржойларни қуришга йўналтирилган инвестицияларни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус чора-тадбирларни назарда тутиш;

жиомоний ва юридик шахслар учун тураржой ва нотураржой бино ва иншоотлар остидаги ер участкаларига эгаллик қилиш ҳуқуқини амалга оширишни қаролатлаш, ер участкаларини фуқаролик муомаласига киритиш учун шарт-шароитлар яратиш;

миграция жараёнини маъмурий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш йўли билан аҳолининг қишлоқ жойлардан шаҳарларга эркин ҳаракатланиши учун шарт-шароитлар яратиш;

йирик шаҳарлар аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш, иқтисодий ва саноат ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига ушбу шаҳарлар аҳолисининг тўлиқ ва самарали бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, шунингдек, ҳудудлардаги олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари асосида технопарклар ташкил қилиш ва уларнинг тизимини мустаҳкамлаш;

авваломбор саноат, хизмат ва сервис соҳаларида аҳолининг даромадларини ошириш ва барқарор иш жойларини яратиш омил сифатида агломерацияларнинг афзалликларида фойдаланишни назарда тутган ҳолда, ўрта шаҳарларни, шу жумладан, туман марказларини бошқаришда илгор халқаро тажрибани кенг жорий этиш;

йирик шаҳарларга туташ бўлган ва қулай транспорт алоқасига эга йўлдош-шаҳарлар тармоғини кенгайтириш, йирик шаҳарларнинг марказий қисмида саноат ва бошқа зоналар ҳудудларини қисқартирган ҳолда, ижтимоий-ишбилармонлик зоналар ҳудудларини кенгайтириш.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Э. О. ТУРДИМОВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Эркинжон Окбутаевич Турдимов Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 11 январь

ДУНЁДА ЎХШАШИ ЙЎҚ ИЛМИЙ МАРКАЗ ВА ҲАДИС МАКТАБИ

Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ёнида ташкил этилган илмий-тадқиқот маркази ва унга ёндош жойлашган Ҳадис илми мактаби Имом Бухорий ва бошқа муслмон дунёси буюк мутафаккирларининг бой меросини чуқур тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни ислом динининг асл қадриятларига садоқат руҳида тарбиялаш, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу тариха дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган илмий меросимиз қайта жонланиб, янгиланаётган илм дунёсида ўз сўзини айтади.

Имом Бухорий илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш таклифини ilk бор Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йили Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси очилиш маросимида илгари сурган эди. Қисқа фурсат ичида иш бошлаган марказ фаолияти билан танишиш кишига илоҳий қудрат бағишлайди.

Марказда алломаларнинг бебаҳо меросини ўрганишда ўзига хос мактаб яратган буюк муҳаддислар Имом Бухорий, Имом Термизий, улуғ фақиҳлар Бурҳониддин Марғиноний, Абдуллоҳ Самарқандий, калом илмининг буюк мутафаккирлари Абу Мансур Мотуридий, Абул Муин Насафий каби аждодлар бой меросини алоҳида-алоҳида ўрганиш ва илмнинг шу соҳалари

бўйича мукамал билимга эга бўлган етук мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш учун барча керакли шароитлар яратилган.

— Нафақат Марказий Осиёда, балки бутун муслмон дунёсида ноёб бу марказ ислом динининг асл моҳиятини, унинг фалсафасини кенг тарғиб қилиш, илмий бойитишга салмоқли ҳисса қўшган алломаларимизнинг сўнмас мероси тимсолида ташкил этилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси ўринбосари Нуриймон Абулхасан. — Бунга марказ биносини миллий меъморчилик аъёналари асосида бунёд этишда ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Иқтисодиёт органлари фаоляти самарадорлигини тубдан ошириш, уларни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш “локомотивига” айлантириш, иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги** этиб қайта ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

макроиқтисодий индикаторларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш асосида **иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш** ва иқтисодиётнинг реал сектори ҳолати, ташки бозорлари конъюнктураси ҳамда глобал ва минтақавий иқтисодий ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ ҳолда **иқтисодиёт асосий соҳаларини ривожлантириш стратегиясини** шакллантириш;

хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва “хуфиёна” иқтисодиёт улушини қисқартириш учун қулай шароит яратиш, жумладан, иқтисодий жараёнларда давлат иштирокини қисқартириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, молиявий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш қўлайлигини таъминлаш, шунингдек, кичик саноат зоналари салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали бунга эришиш;

миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва диверсификация қилишни, шунингдек, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш уйғунлигини таъминлаш мақсадида **ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштириш, ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида мамлакат саноатини ривожлантириш стратегияларини (моделларини) ишлаб чиқиш**;

инновация ишланмалари ва технологияларини жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлов бериш тармоқларини жадал ривожлантириш ва юқори қўшилган қийматли тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида **товар бозорлари мувозанатини таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш**;

экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган саноат сиёсатини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш асосида унинг импортга қарамлигини камайтириш орқали **миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ташки иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш**; шунингдек, республика ҳудудлари ва хорижий давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш;

урбанизация соҳасида давлат сиёсатини қучайтириш, ишлаб чиқаришларни оқилона жойлаштириш, тураржойларни муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма билан биргаликда қуришни инobatга олган ҳолда **урбанизация жараёнларини давлат томонидан самарали тартибга солишни таъминлаш**, шунингдек, ер участкаларига оид замонавий бозор механизмларини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

2. 2019 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки улар томонидан хусусийлаштирилган бино ва иншоотлар, саноат инфратузилмаси объектлари жойлаган ер участкаларини, шунингдек, уларга туташ ҳудудлардаги ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур миқдордаги **ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқига эга**;

жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари уларга яқка тартибда уй-жой қуриш ва тураржойга хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини **хусусийлаштириш ҳуқуқига эга**;

кўрсатилган ер участкаларини хусусийлаштириш жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан амалга оширилади;

жисмоний ва юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан хусусийлаштирилган ер участкалари **хусусий мулк (факторлик муомаласи объектлари) ҳисобланади ва дахлсиздир**, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, давлат томонидан муҳофаза қилинади; ер участкаларини хусусийлаштириш **факатгина кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлган ҳолда** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда **пуллик асосда** амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикасининг **“Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”**ги қонуни лойиҳасини киритсин;

2019 йил 1 июнга қадар хусусийлаштириладиган ер участкалари учун табақалаштирилган тўловлар миқдорлари, шунингдек, уларни тўлаш тартибини белгилловчи ҳукумат қарорини қабул қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, шунингдек, маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда 2019 йил 1 июлга қадар белгиланган тартибда, шу жумладан, комплекс уй-жойлар қурилиши ҳисобидан янги шахарлар ва йўлдош-шаҳарлар ташкил этишни назарда тутадиган **Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш Концепциясини** (кейинги ўринларда — Концепция) тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

4. Қуйидагилар:

а) **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Урбанизация аjenтлиги** (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш мақсадида инвестицияларни жалб қилиш соҳалари ва тармоқларини аниқлаш орқали **мамлакатнинг фаол инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш**;

миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг рақобатдошлигини оширишнинг асосий ресурслари ва омилларидан бири сифатида **инсон капиталининг даражаси ва сифатини**, устувор равишда қишлоқ жойларда, **яхшилаш бўйича комплекс таҳлил олиб бориш ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш**;

иқтисодиёт органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишини таъминлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, вазирлик аппарати ва унинг таркибий бўлинмаларининг, устувор равишда ўзига бириктирилган соҳадаги аниқ натижаларга эришиш, олдига қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариши учун ходимларнинг шахсий жавобгарлигини оширишга йўналтирилган иш шакллари ва усулларини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда қўмаклашиш, мамлакатни ривожлантириш давлат дастурлари ва инвестиция дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш доирасидаги лойиҳаларни, уларнинг лойиҳа олдИ, лойиҳа ва тендер ҳужжатларини, техник топшириқларни экспертизадан ўтказиш бўйича идоралараро комплекс тизимини ташкил қилиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги **мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатининг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин**.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурлари ва инвестиция дастурлари Ўзбекистон Республикасининг ўрта мuddатли инвестиция сиёсати стратегияси асосида ишлаб чиқилади;

Ўзбекистон Республикасининг ўрта мuddатли инвестиция сиёсати стратегияси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепцияси, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш концепциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланган дастур ва қарорлар асосида шакллантирилади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган ва норматив-ҳуқуқий характерга эга қарорларининг ижроси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, барча ҳўжалик юритувчи субъектлари учун мажбурий ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, унинг тизим ва ҳудудий ташкилотларини

молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетИ, бюджетдан ташқари жамғармалар ва қонунчилик билан таққиланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

барча норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар лойиҳаларини, шу жумладан, давлат ривожланиш дастурлари ва инвестиция дастурларини яқуний босқичда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишиш Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун киритишдан олдин амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси, кичик саноат зоналари дирекциялари Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ривожланиш давлат дастурлари ва инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларнинг, шунингдек, кичик саноат зоналари ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг бажарилиши юзасидан ҳар чорақда маълумот тақдим этиб борадилар;

инвестиция сиёсати стратегияси ижроси Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан давлат ривожланиш дастурлари ва инвестиция дастурларини тайёрлаш ва ижросини таъминлаш орқали амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ўз ваколати доирасида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳўжатларни бекор қилиш ёки қайта кўриб чиқиш бўйича тақдимнома киритиш ҳуқуқига эга;

кичик саноат зоналари ҳудудида қиймати 7,0 миллион АҚШ доллари эквиваленти ҳисобидан юқори бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича маъмурий кенгашлар қарорлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилиши лозим.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига қуйидаги мақсадлар учун шартнома асосида, жумладан, хорижий консултантлар ва экспертларни, шунингдек, техник кўмак ва грант маблағларини жалб қилишга рухсат этилсин:

инвестиция ва саноат сиёсати стратегияларини ишлаб чиқиш соҳасида илгор халқаро тажрибани ўрганиш ва таъбиқ этиш, шунингдек, вазирликка юқлатилган бошқа вазифалар ва топшириқларни бажариш;

вазирлик ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича тадқиқотлар ўтказиш, инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш;

хорижий мамлакатларнинг тегишли вазирликлари ва идоралари билан самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқилган **Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепцияни лойиҳаси** асосида, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш концепциялари ҳамда экспертлар жамoатчилиги орасидаги муҳокамаларнинг натижаларини ҳисоба олган ҳолда **2019 йил 1 июнга қадар**

Концепциянинг, шу жумладан, инвестиция сиёсати стратегиясини ўз ичига олган яқуний вариантини белгиланган тартибда киритсин.

7. Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти таркибида институтнинг умумий штат бирлиги доирасида 10 нафар кишидан иборат **Ҳодимларнинг малакасини ошириш ўқув маркази** ташкил этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

а) кичик саноат зоналари иштирокчилари учун имтиёз ва преференцияларни уларни амалдаги иштирокчилар учун 2020 йил 1 январгача сақлаб қолган ҳолда бекор қилиш;

б) кичик саноат зоналари иштирокчиларига қуйидаги ҳуқуқларни бериш:

ўз маблағлари ҳисобига қурилган бино ва иншоотларга (ёки уларнинг қисмларига) мулк ҳуқуқини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш;

инвестиция ва бошқа ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажарган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган давридан бошлаб камида 5 йил мuddат ўтгандан кейин, ўзларига берилган бинолар ва иншоотларни (ёки уларнинг қисмларини) хусусийлаштириш;

реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлашни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган давридан бошлаб камида 3 йил мuddат ўтгандан кейин, бинолар ва иншоотларни (ёки уларнинг қисмларини) хусусийлаштириш.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра бино ва иншоотларни (ёки уларнинг қисмларини) реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш учун кичик саноат зонаси иштирокчиси томонидан ажратилган маблағлар уларни хусусийлаштиришда ҳисобга олинади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, саноат соҳасидаги ҳўжалик бошқаруви органлари вазифалари, функциялари ва ваколатларини қайта кўриб чиқиш бўйича тақлифлар;

қонун ҳўжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиiddинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
 Тошкент шаҳри, 2019 йил 10 январь	

Тошкент шаҳри, 2019 йил 10 январь

Тошкент шаҳри, 2019 йил 10 январь

ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда корхона фаолиятини кенгайтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Италия, Австрия, Туркия, Швейцария, Хиндистон, Болгария ва Хитойдан 7 миллион долларга замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди.

Корхона тўлиқ қувват билан иш бошлагач, 800 кишининг бандлиги таъминланади. Кўнига 350 тонна ўсимлик ёғи, 3 минг тонна томат пастаси, 2 минг 500 тонна олма концентрати ишлаб чиқарилади.

Шу ерда Самарқанд вилоятига бириктирилган Ўзбекистон Республикасининг Туркия, Хитой ва Испания давлатларидаги элчихоналари ҳамда Афина шаҳридаги Бош консуллиги кўмағида амалга ошириладиган лойиҳалар, вилоятда интенсив боғлар, пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этиш, сув тежайдиган технологиялар, паррандачиликни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлари тақдимотлари ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарига Хитойнинг "Henan Wanbang Selected Supply Chain Management Co.LTD" компанияси томонидан чорвачилик кластери қуриш лойиҳаси, Булунғур, Жомбой ва Пайариқ туманларида чорвачилик кластерига танланган ер майдонлари, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш ва "Томорқа хизмати" МЧЖ фаолиятини кенгайтириш вазифалари ҳақида маълумот берилди.

Самарқанд туманидаги "Afrosiyob Parranda" МЧЖ Самарқанд, Тошкент, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида омихта ем ҳамда премикс ишлаб чиқа-

ришни йўлга қўйишни режалаштирган. Сурхондарёда 2019 йилнинг тўртинчи чорағида 6,6 миллион евро эвазига йилга 50 минг тонна омихта ем тайёрлайдиган корхона барпо этилади.

Президентимиз Туркиядаги элчихона томонидан қишлоқ ҳўжалиги учун дори воситалари ва ўғитлар, томчиллатиб сугориш ускуналари, трактор, полипропилендан калава ил, сэндвич панель ишлаб чиқариш, Самарқанд шаҳрида 130 ўринли меҳмонхона қуриш лойиҳалари билан танишди.

Испания қироллигидаги элчихона вилоятда замонавий қурилиш материаллари, иссиқхона қуриш учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, пахта учун томчиллатиб сугориш тизимини жорий этиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғини тайёрлаш заводи қуриш лойиҳаларини амалга оширади.

Шавкат Мирзиёев ушбу лойиҳаларнинг асоси, самарадорлиги билан қизиқди. Улар юзасидан тегишли кўрсатмалар бериб, хорижий тажриба-ни ўрганиш, керак бўлса, чет элдан консультантлар жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

Самарқанд вилоятида 37 минг гектардан зиёд лалми ер майдонларидан фойдаланилмаётгани, уларни ишга солиб, аҳолини иш ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш мумкинлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрининг Университет хиббонида қурилаётган Конфуций майдонида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Конфуций эраميزдан олдинги 551 йилда туғилган. Хитой маданияти асосларининг яратилиш даврини бошлаб

берган. Конфуций таълимоти асосчиси, сиёсий арбоб сифатида танилган.

2014 йилда Шанхай хорижий тиллар университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик шартномасига мувофиқ, чет тиллар институти қошида Конфуций институти ташкил этилган эди.

Президентимизнинг аввалги ташрифи чоғида берилган топшириқларга мувофиқ, Самарқанд давлат университети-ти ёнида буюк мутафаккир Конфуций ҳайкали ўрнатилди. Ҳайкал атрофидаги майдонда қадимги Хитой анъаналарига хос айвонлар барпо этилди.

Самарқанд давлат университетига қарашли 9 қаватли ўқув ва маъмурий бинода қурилиш ишлари амалга оширилиб, унинг ҳар бир қавати ривожланган мамлакатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари андозаларига мослаштирилди.

Бу ерда халқаро таълим дастурлари маркази ташкил этилмоқда. Унда Хитой, Жанубий Корея, Япония, Хиндистон ва Европа Иттифоқи давлатлари университетларидаги энг яхши тажрибалар ўрганилади. Мамлакатимиз тармоқлари учун зарур малакали мутахассислар тайёрланади. Талабалар икки йил ушбу марказда таълим олса, кейин хорижда ўқишни давом эттиради.

Президентимиз марказ лойиҳаси билан танишиб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Шу ерда Самарқандда туризмни ривожлантириш, конгресс-холл ва меҳмонхоналар қуришга оид ва бошқа лойиҳалар намойиш этилди.

Ун тўрт гектардан зиёд майдонда бунёд этиладиган конгресс-холлда йирик халқаро анжуманлар ўтказиш учун бар-

ча шароит яратилади. Унинг атрофида беш юлдузли иккита замонавий меҳмонхона, бизнес марказлар ва бошқа объектлар қурилади.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 540 дан зиёд туристик объект, 119 та меҳмонхона, 23 та уй меҳмонхона, 127 та турооператор фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили вилоятга 2 миллион 400 мингдан зиёд маҳаллий ва хорижлик сайёҳ ташриф буюрган. Айни пайтда вилоят туризм салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Индонезиянинг "Sahid group" компанияси билан ҳамкорликда иккита замонавий меҳмонхона қурилмоқда. Ургут, Самарқанд, Нуробод каби қатор туманларда янги туристик маршрутлар ташкил этиш ишлари бошланган.

Давлатимиз раҳбарига туризмни ривожлантириш бўйича "Smart Chain" компанияси томонидан "Nazzar" инновацион иловаси ҳақида маълумот берилди. Ушбу инновацион илова исталган материални тўлдирилган वोкелик элементлари билан бойитиши мумкин. Смартфон "Nazzar" белгисига йўналтирилса, мобиль қурилма экранидан реал объектнинг тасвири чиқиб, у турли эффектлар билан тўлдирилади.

"Smart Chain" компанияси мутахассислари таклиф этаётган инновацион иловалар орқали мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда тарихий обидалар ва музейларни ёшлар ўртасида янада оммалаштириш мумкин. Ушбу қарточкаларга смартфонни яқинлаштириш орқали тарихий объектларни "гавдалантириш", лавҳа фониди аудиоматтни эшитиш ёки уни 3D ре-

аллигида томоша қилиш имконияти мавжуд. Президент мамлакатимиз туризм салоҳиятини янада ривожлантириш учун, аввало, малакали мутахассислар тайёрлаш зарурлигини қайд этди. Мутасаддиларга туризм ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, Самарқанддаги "Ипак йўли" туризм халқаро университети фаолиятини янада кучайтириш бўйича топшириқлар берди.

Шу куни Самарқанд шаҳрида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев юрти-миз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган Самарқанд аҳлига чуккур хурматини билдириб, иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, халқимиз ҳаётини яхшилаш бўйича вилоятда ҳам кўп ишлар қилинаётганини таъкидлади.

Жумладан, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 29 та қишлоқ, 4 та маҳаллада қарийб 200 миллиард сўмлик қурилиш ва обodonлаштириш ишлари амалга оширилган. Ўтган йили 1 минг 500 квартира-ли 36 та кўп қаватли уй, 2 минг 349 та арзон уй-жой барпо этилиб, эгалари-га топширилган. 60 га яқин давлат болалар боччаси қурилиб, 356 та ху-сусий мактабгача таълим муассасаси ташкил этилган. Соғлиқни сақлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ко-мунал тармоқларни реконструкция қилиш бўйича ҳам аниқ манзилли ишлар бажарилган.

Давлатимиз раҳбари Германиянинг етакчи университетлари билан ҳамко-рлик ўрнатиб, Самарқандда "рақамли

иқтисодиёт" учун кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг тавсиясига биноан Самарқанд вилоят-и ҳокими вазифасини вақтинча бажариб келаётган Эркинжон Турдимов Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз томонидан Самарқанд вилоятини жадал ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифаларни бажариш йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этишини таъкидлади.

Вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, инвестиция жараёнини фаоллаштириб, янги корхоналар қуриш ва иш ўринларини кўпайтириш энг муҳим ва устувор йўналиш ҳисобланади. Ўтган йили вилоятда 448 та объект ишга туширилган. Лекин Самарқанддек катта салоҳиятга эга ҳудуд учун бу етарли эмас, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу мақсадда 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган 968 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилгани, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда йирик саноат корхоналари ташкил этилиши маълум қилинди.

Самарқанднинг туризм салоҳиятидан фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалогини диверсификация қилиш, тадбиркорли-ни ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи яқунлани.

Матнозор ЭЛМУРОДОВ,
Умар АСРОРОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

ДУНЁДА ЎХШАШИ ЙЎҚ ИЛМИЙ МАРКАЗ ВА ҲАДИС МАКТАБИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз таклифлари билан, аввало, бинога кириш фойе-сида улкан гўмбаз қурилиб, унинг ички томонига Курьони каримнинг биринчи нозил бўлган оятлари, яъни "Алақ" сурасининг беш ояти ёзилди. Бу оятларнинг учтасида ғайамбаримиз Мухаммад саллалоху алайҳи вассалламга "Ўқинг" деб мурожаат қилинган. Бу ушбу даргоҳга кирганданок унинг мазмун-моҳияти-ни ифода этиб, марказнинг илму урфон, зиё маркази эканлигини намоён этади. Шунингдек, гўмбазда Имом Бухорий ҳазратларининг "Жоме ас-саҳиҳ" китобларида келтирилган биринчи — "Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқдир" деган ҳадиси битилди-ки, бу марказнинг ташкил этилиши бизнинг эзгу ниятларимиз билан боғлиқ, деган маънони ифодалайди. Буюк аждодларимизнинг руҳини шод этиш, файзли Ўзбекистонимизнинг муборак заминида макон топган ҳаётли билимларни яна шуъалантириш бизнинг эзгу ниятларимиздир.


Марказнинг биринчи қаватида ташкил этилган музейга кирган киши асл илм манбаидан куч олиши табиий, ўзингизни руҳан поклангандек сезасиз. Музей марказига "Саҳиҳи Бухорий" китобининг қадимий кўлёзма нусхаси ва буюк муҳаддиснинг айни пайтда дунёнинг турли мамлакатларида сақланаётган ноёб асарларининг нусхалари қўйилган.

Имом Бухорий ҳазратлари

— дейди Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази раҳбари Шовосил Зиёдов. — Бундан ташқари, Буюк Британия, Франция, Германия, АКШ, Саудия Арабис-тони, Миср, Туркия, Малайзия, Покистон, Хиндистондаги илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Малайзиянинг Ислом илмлари университети, Ислом цивилизацияси институти, Исломни англаш институти билан буюк алломаларимиз илмий ме-росини ўрганиш йўналишида ке-лишувларга эришилди, Саудия Арабистонининг Подшоҳ Абдула-зиз университети, Суннат ва на-бавий меросини ўрганиш маркази билан хорижда сақланаётган но-дир кўлёзмаларнинг нусхалари-ни олиш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан буюк

гида Ҳадис илми мактаби олий диний таълим муассасаси таш-кил этилди. Бу мактабда ўқиш муддати беш йил бўлиб, қундуз-ги таълим шаклида олиб бори-лади. Ҳадисшунослик фанлари билан бир қаторда. Курьони карим, фикҳ, ақида, тафсир, ислом тарихи каби фанлар ҳамда



чилири модуль тизими асосида, 2-3 ой давомидида битта асар бўйича шуғулланади. Курс ақунда имтихонлардан ўтган тингловчилар-га муайян китобни ўзлаштиргани тўғрисида гувоҳнома ҳамда ке-йинги асар бўйича машғулотлар-га қатнашиш имкони берилади.

Мактабга ўқув жараёнини са-марали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идора-сининг улаомлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тош-кент ислом институтининг про-фессор-ўқитувчилари, хорижлик кузга кўринган мутахассислар жалб қилинади. Илмий салоҳи-ятга эга профессор-ўқитувчилар-ни танлаш, уларни Ҳадис илми мактабига жалб қилиш Тошкент ислом институти зиммасига юклатилади.

Ҳадис илми мактабининг ўқув биноси, ётоқхона ва ахборот-ре-сурс маркази моддий таъминоти билан боғлиқ харажатлар, про-фессор-ўқитувчи ва ходимларни ойлик-маош билан таъминлаш Ўзбекистон мусулмонлари идора-си хузуридаги "Вақф" хайрия жа-моат фонди томонидан амалга оширилади.

Ҳадис илми мактабининг ўқув биноси, ётоқхона ва ахборот-ре-сурс маркази моддий таъминоти билан боғлиқ харажатлар, про-фессор-ўқитувчи ва ходимларни ойлик-маош билан таъминлаш Ўзбекистон мусулмонлари идора-си хузуридаги "Вақф" хайрия жа-моат фонди томонидан амалга оширилади.

Мақтаб курсларини муваффа-қиятли тамомлаган тингловчилар-га диний таълим муассасаларига кириш учун ўтказиладиган қабул имтиҳонларида ҳар бир сертифи-кат бўйича тўлғалар баланинг 5 фоизи микдорига қўшимча балл тақдим этилади.

Фаҳр билан айтиш мумкинки, Ватанимизда амалга оширилаёт-ган кенг қўламли ислохотлар, ав-вало, иқтисодиётимиз тараққиё-ти, халқимиз фаровонлигини оқ-салтиришга ҳизмат қилмоқда. Маънавий-маърифий жаҳдада эришяётган ютуқларимиз эса жаҳон цивилизацияси ривожига беқеъс ҳисса қўшган Ўзбекистон-дек муқаддас заминда бугун ҳам буюк илм-фан соҳиблари етишиб қақаётгани, улар, албатта, эзгулик-ка ҳизмат қилишидан далолатлар.

ки, ислом билим юртларида бар-ча диний фанлар бўйича бошла-нгич билим ва тушунчалар бери-лади. Ҳадис илми мактабиди эса фақат ҳадис илмига хос ёки уни ўрганишга қўмак берувчи мумтоз манбалар "Устоз — шоғирд" анъ-анаси асосида ўқитилади.

Ҳадис илми мактаби тинглов-



хорижий тиллардан чуккур билим бериладиган мактабга араб тили ва ҳадис фанларини ўзлаштир-ган, мумтоз матнларни ўқий ола-диган ҳамда уларни ёд олишга салоҳияти бўлган 5 — 10 нафар Ўзбекистон ва хорижий мамла-катлар фуқаролари суҳбат асо-сида саралал олинади.

— Тарихдан маълумки, зами-нимизда узоқ ўтмишда исломий илмларни ўргатувчи мактаблар шаклланган, — дейди Имом Тер-мизий халқаро илмий-тадқиқот мар-кази директори Ўбайдулла Уватов. — Масалан, Самарқанд-да ҳадис илми, Қаршида калом илми, ақида илми, Марғилонда фикҳ илми, Бухорода тасаввуф илми мактаби бўлган. Мана, ора-дан бир неча аср ўтиб ташкил этилаётган ушбу марказларда замонамизнинг бухорийлари, насафийлари, маргинонийлари етишиб чиқши керак. Ва иншо-наво, бу мақсадларимиз рўйбе-га ҳақида.

Ҳадис илми мактаби фаолият-ининг асосий мақсади ислом динининг, Курьони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, илмий-маънавий асосларини, ҳадис илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган алломаларимиз-нинг илмий меросини ўрганиш, Вазирали Маҳмадасининг "Ҳадис илми мактаби фаолиятини таш-кил этиш ва қўллаб-қувватлаш чо-ра-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Қарорга кўра, Ўзбекистон му-сулмонлари идораси муассисли-

Улугбек АСРОРОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

Давлат дастури лойиҳаси:

АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР ВА ТАШАББУСЛАР

Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳасида Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ўз ифодасини топган.

253 та бандни ўз ичига олган мазкур ҳужжат лойиҳаси айни пайтда кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган бўлиб, уни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар олинати.

Парламент ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бош-қаруви академиясида Олий Мажлис Сенати томонидан "Тараққиёт стратегияси" маркази билан биргаликда ташкил этилган анжуман ҳам шу мавзуга бағишланди.

Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, "Буюк келажак" халқаро ноҳукумат ташкилоти экспертлари, "Тараққиёт стратегияси" маркази, "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот мар-кази вакиллари, турли соҳаларда иш олиб бораётган амалиётчи-лар иштирокида дастур лойиҳаси бандма-банд ўрганилди.

Одатдагидан фарқли равишда тадбирда узундан-узоқ маъру-залар эмас, ҳар бир йўналиш доирасида экспертлар ва мутахас-сислар гуруҳларга бўлинган ҳолда иш олиб борди.

Мухбиримиз тадбир қатнашчиларининг амалий таклиф ва му-лоҳазалари билан қизиқди.

Ақмал БУРХОЛОВ,
"Тараққиёт стратегияси"
маркази директори:

— Давлат дастури лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйиш биз-да яхши анъанага айланди. Ўтган йилги муҳокамаларда 10 мингдан ортик таклифлар билдирилган бўлса, дастурда уларнинг 6 000 дан зиёди инобатга олинган.

Бу йил 2019.strategy.uz ва regulation.gov.uz каби сайтларда қўйилган ушбу ҳужжат лойиҳаси до-ирасида халқимиз томонидан жуда кўп-ла таклиф ва мулоҳазалар бил-дирилди. Айнан 11 январь ҳолати-га кўра, муносабатлар 2 500 га яқини ташкил этмоқда. Энг кўп таклифлар дастур лойиҳасининг биринчи йўналиши — давлат ва жа-мият қурилиши тизимини такомил-лаштириш масалаларига оид. Бун-да 700 дан зиёд таклиф ва муло-ҳазаларни кўриш мумкин.

Бу йилги муҳокамаларнинг ўзига хос томони лойиҳа нафақат мамлакатимизда миқёсида, балки халқаро доираларда ҳам ўрганил-япти. Ўзбекистоннинг бу борада-ги ташаббуслари халқаро ҳамжа-мият, нуфузли ташкилотлар томо-нидан қўллаб-қувватланиб, улар ҳам ўз таклиф ва тавсияларини билдиришмоқда.

Ақмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси кўмита раиси:

— Давлат дастури лойиҳасида белгиланган чора-тадбирлар, ва-зифаларнинг ижросига жуда кат-та масъулият қўйилган ёндашиш та-лаб этилади. Айниқса, унинг ик-кинчи бўлими — суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга оид ма-салалар юзасидан қўллаб таклиф-лар билдирилди.

Мисол учун, депутатларимиз томонидан "Бепул юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклифи

иллари сурилди. Бунинг асосли са-баблари бор. Чунки жойларда аҳоли билан олиб борилаётган му-лоқотларимизда энг кўп мурожа-атлар фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли даражада эмаслигидан ҳам келиб чиқаётга-ни маълум бўлди. Улар малакали юридик ёрдам ва хизматларга жуда муҳтож. Шу сабабли мазкур таклиф инобатга олинди.

Шухрат ЧЎЛЛИЕВ,
Олий Мажлис Сенати
аъзоси:

— Дастур лойиҳасининг иккинчи йўналишида адвокатур институти-ни кўнайтириш масаласи хусусида сўз борми. Бу борада қўллаб ис-лохотлар олиб бориляпти.

Аммо "Адвокатура тўғрисида"-ги Қонун 90-йилларда ишлаб чи-қилган ва у бугунги кун талабларига умуман жавоб бер-майди. Шу боис мазкур қонунни янги таҳрирда қабул қилиш лозим.

Адвокатура такомиллаштирил-япти. Мен мазкур институтининг ваколатларини янада кўнайтири-шга қаратилган янги нормалар ишлаб чиқишини таклиф қила-ман ва дастурга бу, албатта, ки-ритилиши лозим, деб ҳисоблай-ман.

Хуришд КАРИМОВ,
Бош прокуратура
академияси бўлим
бошлиғи:

— Дастурда Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этилмоқда. Уни ишлаб чи-

Давра суҳбати иштирокчилари муҳокама этилган Давлат дастури лойиҳасининг барча банди бўйича ўз фикрларини билдиришди. Яқунда мазкур ҳужжат лойиҳасини такомиллаштириш ва қабул қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мунисхон КАРИМОВА
ёзиб олди.

Ўзбекистон фахрийларнинг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси республика бошқаруви жамғарма бўлим бошлиғи
Илхом Мамажанович РАСУЛОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуккур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 27 йиллигига

ВАТАН — МУҚАДДАС,
УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ШАРАФЛИ БУРЧДИР!

Эътироф

«ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ
КУЧЛАРИ МИНТАҚАДА
ЭНГ КУЧЛИСИ»

Кейинги икки йилда юртимиз ҳарбий соҳада ҳам кўплаб хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиқни ривожлантирди. МДХ давлатлари, АҚШ, Покистон ва бошқа давлатлардан ҳарбий делегациялар Ўзбекистонга ташриф буюрди. Улар Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотлар, ҳарбий кадрлар тайёрлаш унун яратилаётган шароитлар билан яқиндан танишишди ва эришилаётган ютуқларни алоҳида эътироф этишди.

Қуйида улардан айримларининг фикрлари билан танишасиз.

Сергей ШОЙГУ,
Россия Федерацияси мудофаа вазири:



— Россия Ўзбекистонни минтақадаги стратегик шериги, деб билади. Жумладан, хавфсизлик

йўналиши бўйича ҳам. Бу борада гап террорчилик таҳдидига қарши курашиш соҳасидаги савий-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳақида ҳам кетяпти. Замонавий шароитда таҳдид ва хавф-хатарлар, айниқса, минтақада халқро терроризм тарқалишига қарши биргаликда курашиш зарур. Президентлар Владимир Путин ва Шавкат Мирзиёевнинг минтақада урчушлари икки давлатнинг мудофаа соҳасидаги ҳамкорлигига ҳам туртки бўлиб хизмат қилди.

Шерали МИРЗО,
Тожикистон мудофаа вазири:



— Ўзбекистон Қуролли Кучлари яхши қўролланган ва минтақада энг кучлиси. Ўзбекистон ҳарбий хизматчилари ўқув-жанговар вазифаларни

бажариш учун яхши базага эга. Республика Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий-ўқув муассасаларида профессионал кадрларни тайёрлаш юқори даражада амалга ошириб келиняпти.

Миллий хавфсизликка хавф-хатарлар ва таҳдидлар ҳамда террорчилар фаолиги мисли кўрилмаган микёс касб этаётган бугунги шароитда ҳеч бир давлат уларга қарши яқка ўзи кураша олмайдди. Бинобарин, минтақа мамлакатлари учун ҳамкорлик ўта муҳим саналади.

Колинс ЖЕКсон,
АҚШ мудофаа вазирининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси ўринбосари:



— Мамлакатингизда ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлиқни кенгайтириш, минтақавий хавфсизлиқни қўллаб-қувватлашга

оид долзарб масалаларни ҳал этишга йўналтирилган Ўзбекистон — АҚШ идоралараро келишувларга катта эътибор қаратилмоқда. АҚШ ҳукумати Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги яхши кўшнчилик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташаббусларини, Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлаштириш бўйича савий-ҳаракатларини юқори баҳолайди.

Амалга ошираётган савий-ҳаракатларимиз, армия ва халқнинг фаол ҳамкорлиги натижасида Қуролли Кучларимиз том маънода жамиятнинг ажралмас қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг ишончли кафолатига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланиб бормоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

УНУТИЛМАС УЧРАШУВ

Сўнгги йилларда мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш йўлидаги ислохотлар муҳим босқичга кўтарилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қўшинларнинг жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлиги учун кенг имкониятлар яратилди. Қуролли Кучларимиздаги ана шу жараёнларни миллий армиямиздаги янги давр сари қўйилган дадил қадамлар дейиш мумкин.

Дил сўзи

Бунга мисол сифатида 2018 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган, ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон армиясида кузатилмаган бир ҳолатни эсга олиш ўринли. Ушанда Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев кўрсатмасига биноан, Мудофаа вазирлиги қўшинлари юқори жанговар шайлиқ ҳолатига келтирилди. “Тревога!” сигналидан сўнг Мудофаа вазирлиги марказий аппарати, барча ҳарбий округ ва бўлинмаларда зарур ташкилий ишлар амалга оширилди. Ҳарбий полигонларда бир нечта махсус-тактик машғулотлар ўтказилди.

Эҳтимолий хавфни қайтаришга доир махсус-тактик машқлар Ўзбекистон ҳарбийларининг юқсак профессионал маҳоратини, юқори жан-

говар шайлигини, бир тану бир жон бўлиб ҳаракатланишини яққол намоён этди.

Ана шу жараёнларни Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ҳам кузатди. Ушбу ташриф биз, ҳарбийлар учун унутилмас воқеалар билан ёдда қолди. Чунки давлатимиз раҳбари билан учрашиш шарафига муяссар бўлди. Самимий мулоқот қилдик. Президентимизнинг шахсан ўзлари менга “Патриот” русумли хизмат автомотоли қалитини топширганлари эса улкан эътибор, бебаҳо тўхфа бўлди. Уша ондаги ҳис-ҳаяжонимни таърифлашим қийин.

Юртбошимиз ҳарбий хизматчиларимиз билан суҳбатлашиб, уларнинг жанговар руҳиятини кўтаришлари ва

планшет совға қилишлари ҳарбий қисмимиз шахсий таркиби учун юқсак шарафдир.

Мулоқот чоғида шунга яна бир бор амин бўлдики, глобаллашув ва дунё микёсида кечаётган таҳликали вазиятда Ўзбекистон ҳимоячилари она юртимизнинг ҳар қарч ерини асрашга тайёр, тобора хушёр ва профессионал бўлишлари лозим. Давлатимиз раҳбари бизга соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Захириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимизнинг саркардалиқ маҳоратларини чуқур ўрганиш, “Темур тузуқлари” каби мукаммал асарлар орқали уларнинг мислсиз жасоратини ҳарбий хизматчиларимиз ру-

ҳиятига сингдириш, янгиланган Мудофаа доктринасида назарда тутилган муҳим кўрсатмаларни ўзлаштириш ва шахсий таркибнинг доктрина мазмун-моҳиятини чуқур англаб етишларини таъминлаш, замонавий қўролароғларни қўлай билиш қамровини кенгайтириш борасида зарур вазифалар қўйиб, юқсак ишонч билдирдилар. Биз, Президентимизнинг ишончини оқлаш учун бор қулайратимизни сафарбар этиб, миллий армиямиз салоҳиятини янада ошириш йўлида билим ва маҳоратимизни тўлиқ ишга солишга ваъда берамиз!

Қодир ТУРСУНОВ,
полковник.



САДОҚАТ ВА ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ



Пойтахтимиздаги “Ватанга қасамёд” монументи жойлашган ҳудуд халқимиз учун энг қадрили масканлардан бирига айланган.

Бу ерда муқддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари, ўқувчилар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида турли маънавий-маърифий тадбирлар, очик дарслар, учрашувлар ташкил этилади. Мажмуа чуқур ҳаётий фалсафа, теран маъно-мазмунни ўзида ифодалаган. Унда азамат ўғлон давлатимиз тимсоли — байроғимизни кўзига тўтиб қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боболаримиз хоки ётган қўтлуғ заминнинг ҳар қарч тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилмоқда. Ана шу мард ва жасур ўғлонга оқ сўт берган, бағрида кўтариб вояга етказган, Ватан тимсоли — мунис ва мўътабар она ҳарбий хизматга отланган азиз фарзандига фотиҳа бериб, оқ йўл тиламоқда.

Бугун — “Ватанга қасамёд”
хайкали очилган кун

— Бу монумент эл-юрт ҳимоясини муқаддас деб билган фидойи инсонларга қўйилган гўзал бадийий обидадир, — дейди Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилаётган капитан Раҳматилла Ризаев.

У юртдошларимизнинг Ватан, ота-она, мардлик, жасорат, қатъият каби эзгу тушунарчаларни янада чуқур англашига хизмат қилади, ҳар биримизга тил ва дил уйғунлиги, сўз ва амал бирлиги, лафз ҳалоллигидан ҳаётий сабақлар беради, жамият раванқи учун дахлдор бўлишга ундайди.

Ватанга қасамёд — мамлакатимизнинг эртасини, ёрқин келажагини барпо қилиш йўлида ўз ҳаётини бахшида этаётган барча

фидойи юртдошларимизнинг умуммиллий аҳдидир. Зеро, Ватани ҳимоя қилиш, мардлик ва жасорат қўрсатиш қудаллик ҳаётимиздан, халқимиз оғирини енгил қилишдан, ўз манфаатини эл-юрт раванқи билан уйғунлаштиришдан бошланади.

Ҳар томонлама ҳаётий асосга, катта тарбиявий аҳамиятга эга бу муқаддас мажмуа шу юртда яшаётган ҳар қайси инсонни осуда, хотиржам ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишга, унинг янада обод ва фаровон бўлиши учун ҳаракат қилишга, ўз ҳаётини аждодларимиздан мерос оро-номус асосига қуришга, садақат ва жасоратга ундайди.

Дилшод КАРИМОВ.

отда юриш машини олган ва камондан отишга моҳир эди”.

Замонавий ўзбек аскарлари бу китобдан оламжаҳон маънавий-маърифий озуқа олсалар арзийди. Буюк жаҳонгирнинг Ўзарбайжон, Грузия ва Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришлари баёни, сипоҳийлар, қўшин бошлққларининг бурч ва вазифаларидан ташқари, фан учун муҳим маълумотлар, фактлар қўлини эътиборини тортади. Юртимизнинг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, Темур ва темирўйлар давлати ҳамда қўшинининг тузилиши, қўшни мамлакатлар ва халқлар билан бўлган дипломатик муносабатлар ҳақида бой маълумот бергани боис асар тарихий манба сифатида хизмат қилади. Айниқса, мамлакат тақдирини ҳал этувчи омилар сирасига аскарлар ҳам кириптилиб, уларнинг бурч ва вазифалари белгиланган Амир Темурнинг тажрибали моҳир саркарда сифатида шухрат қозонгани бежиз эмаслигининг ёрқин исботидир.

Хурийд ФАЙЗИЕВ,
Темурийлар тарихи
Давлат музейи директори.

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ҲАРБИЙ САЛОҲИЯТИ
БУТУН ДУНЁДА ЎРГАНИЛАДИ

2018 йилнинг ноябрь ойида ўтказилган Хавфсизлик кенгаши йиғилишида давлатимиз раҳбари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи ҳусусида сўз юритиб, аскарлар, ҳарбий хизматчилар мамлакатимизнинг ишончли тарихини, она заминимизда яшаб ўтган буюк қаҳрамонлар, саркарда ва қўмондонлар ҳаёти ҳамда жасоратини чуқур билиши, улар билан ғурурланиши лозимлигини таъкидлаган эди.

Мерос

Президентимиз бу борадаги фикрини давом эттириб, жумладан, шундай деган эди: “Мана, Амир Темур бобомиз билан ҳаммамиз фахрланамиз. Лекин, ҳолдсона айтгайлик, улуғ Созибқироннинг “Тузуқлари” ини қанча аскар ўқиган! Ёки буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва ҳарбий маҳорати ҳақида ҳамма ҳам етарли билимга эгами? Ваҳолонки, бу аждодларимизнинг ғалабалари, стратегия ва тактикаларини дунёдаги қўллаб ҳарбий мактаб, ва академияларда бутун ҳам ўрганишди”.

Юртбошимиз аскарлар ҳарбий қасамёд қабул қилишдан олдин, албатта, Ўзбекистон тарихи ва “Темур тузуқлари”дан синов топшириши кераклигини алоҳида қайд этди.

Ҳақиқатан ҳам, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби улуғ аждодларимиз ҳарбий маҳоратидан замонавий дунё қўмондонлари самарали фойдаланиб келаётганини сир эмас. Айниқса, Амир Темурнинг қўллаб ҳаётий масалалар қаторида давлатчилик ва дипломатия, ҳарбий маҳорат, бунёдкорлик салоҳияти, илму фан, санъат ва меъморчиликка оид қарашлари акс этган машҳур “Темур тузуқлари” асари бутунг кунда ҳам ҳарбийлар

учун дастуриламал вазифини ўтаётти.

Узоқни кўлаб, эл манфаатини ўйлаб иш тутиш улуғ зотларга хосдир. “Темур тузуқлари” асарида бундай фазилатлар ҳар томонлама аниқ, ишонарли ва таъсирчан таразда ёритилган. Она заминимизда пайдо бўлган қўлгина аjoyиб асарлар каби “Темур тузуқлари” ҳам аввал ўзга юртларда, хусусан, Европада шухрат топди. Англия, Франция, АҚШ, Финляндия, Дания, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Миср, Япан кутубхоналарида асар нусхалари сақланиши бундан далилат беради. Темурушунос Европа олимларининг чуқур илмий изланишлари Созибқирон ҳарбий салоҳиятининг янги қирраларини очишга хизмат қилди.

“Барча буюк саркардалар сингари Амир Темур ҳам ўз аскарларининг машққат ва зафарларини биргаликда баҳам кўрарди, — деб ёзди француз темиршуноси, профессор Керен Люссен. — Улардан қатъий интизомни талаб қилар, уларга бош бўлиб жанг қилар



эди. Ҳеч вақт ўз жангчиларини ёлғиз қолдирмасди”.

“Амир Темур ёшмигидек ақлининг тиниқлиги ва жасурилиги билан ажралаб турарди, — дейди таниқли шарҳуноси олим Александр Якубовский. — Унда ҳарбий истеъдод эрта намоён бўлди, у



Ўзбекистон армияси:

ЯНГИЛИКЛАР,
НАТИЖАЛАР ВА
ЮТУҚЛАР

2018 йилда Ўзбекистон мудофаа салоҳиятини ошириш, қўшинларнинг жанговар шайлигини юксалтириш, миллий армиямизни замонавий ҳарбий-техника ва қўрол-аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилди. Эътиборингизга ўтган бир йил давомида рўй берган энг муҳим воқеалардан баъзиларини тақдим этамиз:

★ Қўшинларда 1992-1993 йиллардан бери биринчи марта тўнги вақтда парашютдан сакраш, сув сатҳига сакраш, гуруҳ бўлиб учиш машқлари ўтказилди.

★ Курсантлар ўртасида ўтказилган IV Халқаро Олимпиадада Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги курсантлари илк бор қатнашганига қарамай, тўртта йўналишда фахрлий ўринларни эгаллашди.

★ “Чирчик” умумқўшин дала ўқув майдони базасида танк биатлон бўйича мусобақа ўтказишга мўлжалланган ва халқаро стандартларга мос биринчи махсус майдон барпо этилди.

★ Президент қарорига асосан, Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари олий таълим муассасаларига 5 фоизли квота асосида ўқишга қабул қилинадиган бўлди.

★ Давлатимиз раҳбарининг 4 августдаги қарорига кўра, армияда тарбиявий ва мафзуравий ишлар органи жорий этилиб, ҳарбий психолог, социолог лавозимлари киритилди, Қуролли Кучлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш Концепцияси тасдиқланди.

★ Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари IV Халқаро армия уйинларида иккинчи бор иштирок этиб, 6 та совринли ўринни эгаллади.

★ Жақарта ва Палембанг шаҳарларида ўтказилган XVII ёзги Осиё уйинларида Мудофаа вазирлиги спорт клуби аъзолари 10 та олтин, 12 та қумуш ҳамда 11 бронза медални қўлга киритди.

★ Тошкентдаги “Универсал” спорт мажмуасида МДХ давлатлари дўстона армиялари ўртасидаги армия кўл жўни чемпионатида Ўзбекистон ҳарбийлари жамоаси 5 та олтин медаль билан биринчи ўринни эгаллади.

★ Тошкентда илк бор МДХга аъзо мамлакатлар Мудофаа вазирлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Россия, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикаларининг мудофаа идоралари раҳбарлари қатнашди.

★ Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари Буюк Британиянинг Брекстон шаҳрида қўшин разведкачилари ўртасида ўтказилган “Кембрия патрули” халқаро танловидида биринчи ўринни эгаллади.

★ Ўзбекистон Қуролли Кучлари “Global Firepower” томонидан тузилган, 136 мамлакат Қуролли Кучлари иштирок этган дунёнинг энг кучли армиялари рейтингидида 9 поғона юқорилаб, 39-ўринни эгаллади.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сўратлар.

(“Халқ сўзи”нинг навбатдаги сони 13 январь, якшанба кўни чиқади).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 529 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқоллар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган кўлашмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Тошхўжаев.

Навбатчи — М. Каримова.

Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.35 Топширилди — 02.15 1 2 3 4 5 6